

АЖРИМЛАРНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРАВОНЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

*Сабирова Муаззам Шухратбек қизи
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
География ва геоахборот тизимлари факултети
Иқтисодий ва ижтимоий география
Кафедраси таянч докторанти*

Оила деб, аталмиш муқаддас макон, “оила қасри”нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Оила шаклланиши эса, ўз ўрнида никоҳ ва ажралиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ажралиш, яъни никоҳни бекор этилиши ҳам аҳоли такрор барпо бўлишига таъсир этувчи демографик жараён ҳисобланади. Демография ушбу жараённи ўрганаар экан, унга таъсир этувчи қатор сабаб ва оқибатларини атрофлича таҳлил этади.

Жамият шаклланиши шароитида оилалар баъзи муаммоларга дуч келмоқда. Хусусан, аҳоли саломатлиги, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, ажралишлар натижасида, нотўлиқ оилаларнинг ортиб бориши, чин етимлик кўрсаткичининг ортиши ва ишсизлик оқибатида ташқи миграциянинг ортиши каби муаммолар шулар жумласидандир.

Президент Шавкат Мирзиёев халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан сўзлаган нутқида «Қани эди юртимизда ажrim деган нохуш ҳолатнинг ўзи бўлмаса, оилалар пароканда, болалар тирик етим бўлиб, сарсон-саргардон бўлмаса...»[1], деб ёшларни турмуш масаласига жиддий қарашга чақирган эди.

Оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг меҳнат соҳаси ва жамоат ишларида фаол қатнашишини оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориши учун яхши шароитлар яратиш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазасини янада ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар оилани барқарор ривожланишини таъминлайди.

Бугунги кунда республикамизда 8,5 миллионга яқин оила истиқомат қиласди. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, оилаларда ажралишлар жараёнида ўсиш динамикаси тобора кузатилмоқда. Қайд этиш лозимки, юртимизда 2012 йилда 17,8 мингта ажрашиш қайд қилинган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 48,7 мингга етди, яъни беш йил ичida ажралишлар сони 12,0 мингга ортди.

Кўпгина тадқиқотларда ёки манбаларда ажралиш сабаблари бўйича таҳлил қилинганда, ажралишларнинг қарийб 60 фоизига оиладаги моддий етишмовчилик боғлиқ бўлмоқда.

Оилада қайнона-келин ўртасида келишмовчилик юзасидан содир бўлган ажралишлар жами ажралишларни 13,3 фоизини ташкил этади. Ушбу сабабга кўра ажрашганларни 77 фоизи 5 йилгача турмуш қурганлар

ўртасида кузатилган. Ажралишларнинг атиги 2,5 фоизи маҳалла фуқаролар йиғинидаги ярашув комиссияси фаолияти етарли фаолият олиб бормаганлигидан кузатилган бўлсада, лекин бу ажралишларнинг ярми 1-3 йил бирга яшаган ёш оиласада кузатилганлиги ачинарли ҳолатдир. Кейинги йилларда мамлакатда оила мустаҳкамлиги, барқарорлиги борасида катта кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар албатта ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Шу ўринда оила мустаҳкамлигини ошириш, барқарор ривожланишини таъминлаш, оиласада соғлом муҳитни яратиш, соғлом ва баркамол авлод тарбиялаш ажралишларни олдини олиш ва камайтиришга қаратилган ишларни амалга оширишни тақозо қиласди.

Ажралиш сабаблари орасида энг катта кўрсаткични эр-хотин дунёқарашининг мос келмаслиги, яъни характерларининг бир-бирига зид эканлиги ташкил этади. Ажралганларнинг кўпчилиги ёш оиласада бўлиб, уларда ҳаётий кўникума ва тажриба йўқлиги ҳамда бир-бирига ён босишни хоҳламаслиги ажралиш учун асосий сабабларидан бирига айланган.

Аҳоли орасида маънавий-аҳлоқий меъёрларнинг бироз сусайиши натижасида, эр ёки хотин бир-бирига хиёнат қилмоқда. Бундай ҳолатларнинг учдан икки қисмидан ортифи эркаклар томонидан содир этилса, 30 фоизи эса аёллар томонидан йўл қўйилган салбий ҳоллар билан изоҳланади. Ажралишларга тобора авж олиб кетаётган ичкилик ва гиёҳвандлик ҳам сабаб бўлмоқда. Эркакларнинг спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйиши ҳамда оиласада нисбатан эътиборсизлиги туфайли, оиласада ажралиб кетмоқда. Оила аъзолари орасида ўзаро ҳурмат, одоб каби инсоний фазилатларга асосланган муносабатларнинг барҳам топиши ҳам ажралишга сабаб бўлган.

Ажралиш сабаблари орасида қайнона-келин ва бошқа оила аъзолари ўртасида бир-бирини менсимаслик ва ўзаро ҳурмат йўқолганлиги каби носоғлом оила муҳитидаги ҳолат бора-бора эр-хотин ажралиши билан якунланмоқда. Умуман, оила қуришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етуклигининг паст даражадалиги оиласада мувоффақиятли яшаб кетишида бир қанча муаммоларни юзага келтирган ва ажралишларга олиб келган дейиш мумкин.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда расмийлаштирилмаган оиласада жуда кўплиги аниқланмоқда. Буларнинг ҳисобига ҳам ажрим кўрсаткичлари ошиб кетмоқда. Қайси маънода? Масалан, эркак биринчи оиласадан қонуний ажрашмай туриб, иккинчи никоҳи билан яшаяпти. Оиласада ўрганиб чиқилганда, эркаклар биринчи оиласада билан қонуний ажрашиб (чунки иккинчи оиласада фарзандлар бор, ҳаёти яхши), кейингиси билан никоҳни қонунийлаштиради, бу эса биринчи оиласадаги ажрим ҳисобига умумий ажрим кўрсаткичларининг ошишига олиб келмоқда.

Ажримлар оқибатида жамиятга етадиган заарлар ҳақида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ажрашган аёлларнинг аксариятида қуидаги муаммолар юзага келган:

Биринчидан, турага жой муаммоси пайдо бўлади. Бола билан ота-онасилинида яшаш қийин. Ижара нархи эса қиммат. Тўланган алимент бу пулнинг ярмини ҳам қопламайди.

Иккинчидан, фарзандлар ота меҳрига зор бўлиб ўсади. Сўровномада қатнашган 51 нафар аёлнинг 44 нафарида жами 70 нафар бола бор ва улардан 99 фоизи отаси билан умуман кўришмаслиги маълум бўлган[2]. Биргина 2022 йилда 48,7 минг оила ажрашгани ҳисобга олинса, бундай болалар сонини тахмин қилиш мумкин. Маълум бўлишича, эркаклар нафақат боладан хабар олмайди, балки турли баҳоналар билан алимент тўламасликка ҳаракат қиласади.

Учинчидан, ажрашган аёлларга жамиятда нотўғри кўз билан қаралади: интим муносабатлар таклиф этилади, ижарага қўйишни хоҳлашмайди.

Респондентлар ажримларга сабиқ турмуш ўртоғининг рўзғор бошқарища масъулиятсизлиги, мустақил фикри йўқлиги, оиласа бошқаларнинг аралашуви (қайнана, қайнингиллар), эркакнинг ёмон иллатларга ружу қўйгани, оиласа аёлга қулдай муносабатда бўлишлари, хиёнат каби омилларни сабаб қилиб келтирган.

Олимлар томонидан никоҳдагиларнинг бири даромад келтирувчи иш билан банд бўлиб, иккинчиси рўзғор билан шуғулланганида ажрашиш хавфи минимал даражага тушишини аниқлашган. Аёлларнинг пул ресурслари кўпайиши натижасида ажрашиш хавфи ортиши “эркинлик самараси” деб юритилади. Рафиқанинг пул ресурслари эвазига оиласининг мустаҳкамланиши эса “даромад самараси” дейилади. Кўпчилик олимлар «даромад самараси»дан «эркинлик самараси» юқори бўлиб, ижобий тарафларининг камайишига олиб келади, деб ҳисоблашган[3].

Бироқ замонавий тенденсиялар кўп мамлакатларда никоҳдагиларнинг иккаласи ҳам банд бўлиши оиласи даромадни кўпайтириши ва никоҳ барқарорлигини оширишини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, эркак кишининг маоши юқори бўлиши ажрашиш еҳтимолини камайтириши, аёл кишининг маоши юқори бўлиши эса бу ҳавфни оширишига далиллар келтирилган. Аслида, аёл кишининг бандлиги ва даромад даражаси никоҳ сифатини пасайтирумайди, фақатгина номуносиб, муаммоли никоҳдан чиқиб кетиш йўлидаги тўсиқларни камайтиради.

Ушбу фикрни эмпирик текшириш мақсадида олимлар тадқиқотларида никоҳ сифати ёки баҳт ўлчовлари тушунчаларини киритишган. Даромаддаги кескин кўтарилиш ёки камайиш, кризис даври каби ўзгаришлар ҳам ажрашиш хавфини орттиради. Турмуш ўртоқларнинг диний қарашлари турлича бўлиши ҳам оила мустаҳкамлигига салбий таъсир қиласади.

Фойдаланилган манбалар:

1. <https://daryo.uz/2021/03/06/shavkat-mirziyoyevning-8-mart-xalqaro-xotin-qizlar-kuni-munosabati-bilan-otkazilgan-tantanali-marosimda-sozlagan-nutqi>
2. <https://kun.uz/uz/news/2021/04/06/ajrimlar-soni-kop-bolgan-hududlar-malum-qilindi>
3. <https://ijtimoiy.uz/1862/>